
ДХХ раиси кубоги туман ғолиблари аниқланди

Ёшлар қудрати давлатимизнинг эртанги куни, янги Ўзбекистонимизнинг пойдевори саналади. Зеро, уларнинг соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишлари мамлакат истиқболини белгилаб беради.

□ Риштон туманида ўтказилган ДХХ раиси кубоги баҳсларида туманимизнинг барча маҳалла жамоалари иштирок этишди. Бугун мусобақанинг ҳал қилувчи ўйини бўлиб ўтди. Финал ўйинида олдинги босқичларда муваффақият қозонган “Мевазор” ва “Вохим” маҳаллаларидаги ёшлардан иборат жамоалар тўп сурдилар.

Мурасасиз баҳсда “Вохим” маҳалласининг ёшлари кичик 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди ва туман чемпиони сифатида мусобақанинг вилоят босқичига йўлланма олишди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Мини футбол мусобақасида эса финалда Оқер маҳалласи ёшларини мағлубиятга учратган Қуйи Авазбой МФЙ ёшлари ғолибликни қўлга киритишди.

????Таъкидлаш лозимки, ДХХ кубогини ўтказишдан кўзланган мақсад ёшлар орасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Мини - футбол бўйича : 1. "Қуйи Авазбой" МФЙ 2. "Оқер" МФЙ 3. "Оқтомир" МФЙ .

ФУТБОЛ бўйича 1. "Вохим" МФЙ 2. "Мевазор" МФЙ 3. "Сарой" МФЙ

Мини футбол (аёллар) 1. "Оқтомир" МФЙ 2. "Т. Аҳмедов" МФЙ 3. "Меҳнатобод" МФЙ .

2024-05-27 20:04:42